



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 29 октябрь, № 221 (8844)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Қозоғистон Республикаси,
Қирғиз Республикаси,
Тожикистон Республикаси,
Туркменистон ва Ўзбекистон
Республикаси ўртасида
ёшларга оид сиёсатнинг
умумий йўналишлари
тўғрисидаги Битимни
(Душанбе, 2023 йил
14 сентябрь) ратификация
қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 30 июлда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 30 сентябрда
маъқулланган

Қозоғистон Республикаси, Қирғиз Республикаси,
Тожикистон Республикаси, Туркменистон ва Ўзбекистон
Республикаси ўртасида ёшларга оид сиёсатнинг умумий
йўналишлари тўғрисидаги Битим (Душанбе, 2023 йил
14 сентябрь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 25 октябрь
№ ЎРҚ—983

Мулоқот

ДЕМОКРАТИК ПРИНЦИПЛАРГА ҲАМОҲАНГ

Жорий йил 27 октябрь куни мамлакатимизда йирик
сиёсий тадбир — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловлар
бўлиб ўтди. Янгиланган сайлов қонунчилиги бўйича
ўтказилган бу галги давлат вакиллик органлари
сайловлари хорижий давлатлар ва халқаро
ташкilotлар, сайлов органлари томонидан катта
қизиқиш билан кузатиб борилди. Сайловларни
кузатишда жами 851 нафар халқаро ва хорижий
кузатувчи қатнашди.

Кеча сайловларни куза-
тишда иштирок этган қатор
сайлов органларининг
вакиллари Марказий
сайлов комиссияси Раиси
З. Низомхўжаев билан
учрашди.

Қизгин ва таассуротлар-
га бой тарзда ўтган ушбу
учрашувлар АҚШнинг Сай-
ловга кўмаклашиш комис-
сияси аъзоси Кристи Мак-
корник, Малайзия парла-
менти Сенати Раиси
Ўринбосари Нур Жазлан
Моҳаммад, Мўғулистон
Умумий сайлов комиссияси
Раиси Пурвеве Делгернарн
бошчилигидаги делегация
вакиллари иштирокида
бўлди.

Таъкидланганидек, Ўзе-
кистонда илк бор Олий
Мажлис Қонунчилик палата-
сига сайлов аралаш сайлов
тизими, яъни мажоритар-
пропорционал тизим асоси-

да ўтказилди, сайловлар
жараёнига замонавий ах-
борот-коммуникация тех-
нологиялари жорий қилин-
ди. Хусусан, “Е-saylov” ах-
борот тизими, унинг аф-
залликлари ва имкониятла-
ри, шунингдек, биринчи
маротаба сайловларда
электрон овоз бериш
қурилмаси синовдан ўтқа-
зилгани қайд этиб ўтилди.

Айни чоғда сайлов кам-
панияси тадбирлари Сай-
лов кодекси талаблари
ҳамда демократик принци-
пларга мувофиқ амалга оши-
рилиши учун барча зарурий
чоралар қўрилгани ва сай-
лов комиссиялари аъзола-
рининг сайлов қонунчилиги
ҳақидаги назарий билимла-
ри, амалий тажрибасини
ошириш борасида қилинган
ишлар ҳақида ҳам маъ-
лумотлар берилди.



Юртдошларимизнинг Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар
депутатлигига сайловлар жараёнига қизиқиши сезиларли даражада ошгани
очиклик, ошкоралик ва шаффофлик асосида ўтказилган сайловлар жараёнида
яққол сезилиб турди.

Бу кеча Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида МСК Раиси
З. Низомхўжаев иштирокида сайлов якунининг дастлабки натижалари бўйича
ташкил этилган брифингда алоҳида айтиб ўтилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз тарихида би-
ринчи марта қўлланилган аралаш сайлов ти-
зими сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат
муҳитини кучайтириб, жараёнларнинг қиз-
гин кечишига замин яратди.

Сайловларга тайёргарлик кўриш чоғида
ишга туширилган “Е-saylov” ахборот тизими
ёрдамида сайлов жараёнларининг кўплаб
тартиб-таомиллари рақамлаштирилди. На-
тижада бюрократик тўсиқлар кескин ка-
майтирилди ва шаффофлик таъминланди.
Мамлакатимиз тарихида илк маротаба Тош-
кент шаҳридаги бир неча сайлов участка-
ларида сайлов куни электрон овоз бериш
тажриба-синов тариқасида йўлга қўйилгани
ҳам диққатга сазовор.

Сайловлар жараёнини реал вақт режи-
мида (онлайн) видеотрансляция қилиш мақ-
садида сайлов участкаларида видеокамералар
ўрнатилди. Бу эса Марказий сайлов ко-
миссияси Матбуот марказидаги экранлар,
“saylov.uz” расмий веб-сайти ва Ўзбекистон
Миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзе-
кистон 24” ва бошқа телеканаллари орқали
овоз бериш жараёнини онлайн кузатиш им-
конини берди.

Тадбирда алоҳида қайд этилганидек, сай-
ловларни 850 дан ортқ хорижий ва халқа-

ро кузатувчилар, сиёсий партиялардан
55 минг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқа-
риш органларидан эса 10 минг нафардан
зиёд кузатувчилар бевосита кузатиб борди.

Брифингда келтирилганидек, 15 милли-
он 27 минг 529 нафар сайловчи ёки жами
сайловчиларнинг 74,72 фоизи овоз бериш-
да қатнашган.

Пропорционал сайлов тизими бўйича
Олий Мажлис Қонунчилик палатасига
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳара-
кати — Ўзбекистон Либерал-демократик
партияси — 5 миллион 194 минг 41 та
овоз билан 26 та депутатлик ўрни, “Мил-
лий тикланиш” демократик партияси —
2 миллион 812 минг 493 та овоз билан
14 та депутатлик ўрни, Ўзбекистон Эко-
логик партияси — 1 миллион 960 минг
764 та овоз билан 10 та депутатлик ўрни,
Халқ демократик партияси — 2 миллион
558 минг 16 та овоз билан 13 та депу-
татлик ўрни, “Адолат” социал-демокра-
тик партияси — 2 миллион 420 минг
857 та овоз билан 12 та депутатлик ўрни-
га эга бўлди.

Мажоритар тизим бўйича эса Тадбиркор-
лар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзе-
кистон Либерал-демократик партиясидан



38 та, “Миллий тикланиш” демократик
партиясидан 15 та, Ўзбекистон Экологик
партиясидан 6 та, Халқ демократик партия-
сидан 7 та, “Адолат” социал-демократик
партиясидан 9 та депутат сайланган.

Жами ҳисобда Қонунчилик палатасига
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати
— Ўзбекистон Либерал-демократик партия-
сидан 64, “Миллий тикланиш” демократик
партиясидан 29, “Адолат” СДПдан 21,
ХДПдан 20, Экология партиясидан 16 на-
фар депутат сайланди.

Брифингда давлат ҳокимияти вакиллик
органларига сайловлар бўйича тегишли
қонунчилик талаблари қўпол равишда бу-

зилгани хусусида хабар ва маълумотлар ке-
либ тушмагани ҳам ургуланди.

Ўз навбатида, тадбирда юқори турувчи
сайлов комиссиялари томонидан овоз бе-
риш жараёнини ташкил этиш бўйича участ-
қа сайлов комиссиялари фаолиятини мони-
торинг қилиш натижасида айрим камчилик-
лар аниқлангани ҳам айтиб ўтилди.

Улар қуйидагилардир:
* айрим сайлов участкаларида овоз бе-
риш хоналари Марказий сайлов комиссия-
си томонидан белгиланган талаблар асоси-
да жиҳозланмаган;



Олий Мажлис Сенатида

Юртимиздаги ижобий ўзгаришлар юқори баҳоланди

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Мустақил Давлатлар
Ҳамдўстлиги (МДХ) Бош котиби Сергей Лебедев бошчилигидаги
делегация билан учрашди.

Мулоқот давомида С. Лебедев
мамлакатимизда бўлиб ўтган му-
ҳим сиёсий тадбир — Қонунчи-
лик палатаси ва маҳаллий Кен-
гашлар депутатлигига сайлов-
лар демократик тамойилларга
тўлақонли мос равишда шаффоф ва

адолатли ўтказилганини таъкидлади.
Шунингдек, меҳмонлар томони-
дан кейинги йилларда Ўзбекистон-
да барча соҳада амалга ошири-
лаётган кенг кўламли ижобий ўзга-
ришлар ҳамда қонунчиликдаги ян-
гиланишлар юқори баҳоланди.

Учрашув давомида давлатимиз-
нинг МДХ ташкилоти ва унга аъзо
мамлакатлар билан фаол мулоқо-
ти ва ташаббуслар билан қат-
нашиши қайд этилиб, келгусида
ҳам иқтисодий, маданий-гумани-
тар йўналишларда ҳамкорликни
изчил давом эттириш ва янада
кенгайтириш масалалари муҳока-
ма қилинди.

Стратегик шериклик ва парламентлараро мулоқот

Куни кеча Сенат биносида Покистон Ислом Республикаси
парламенти Сенатининг “Покистон — Ўзбекистон” дўстлик гуруҳи
раҳбари Сармад Али бошчилигидаги делегация вакиллари билан
учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Поки-
стон давлат раҳбарларининг сиёсий
иродаси тўғрисида мамлакатларимиз
ўртасидаги алоқалар мустақамла-
ниб, босқичма-босқич кенгайиб бо-
раётгани алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, икки мамлакат ўрта-

сидаги стратегик шериклик муноса-
батларининг ривожига парламент-
лараро алоқалар муҳим ўринга эга
экани айтилиб сиёсий, савдо-иқти-
содий, инвестиция ва транспорт-
коммуникация соҳаларидаги ҳамкор-
лик алоқаларини янада кенгайтириш

билан боғлиқ долзарб масалаларга
эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва
Покистон парламентлараро дўстлик
гуруҳлари фаолиятининг самарадор-
лигини ошириш ҳамда олий дара-
жада эришилган келишувларнинг ўз
вақтида ва сифатли бажарилиши ус-
тидан биргаликдаги парламент на-
зоратини йўлга қўйиш юзасидан ат-
рофлича фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

Учрашув

Манфаатли муносабатлар ва муштарак мақсадлар

28 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикери Нуриддин Исмоилов Малайзия парламенти Сенати
Раисининг ўринбосари Нур Жазлан Моҳаммад бошчилигидаги
делегация аъзолари билан учрашди.

Мулоқот аввалида меҳмонга
янги тахрирдаги Конституция ва
“Ўзбекистон — 2030” страте-
гияси доирасидаги ислохотлар,
Қонунчилик палатаси фаолияти
ҳамда жорий йил 27 октябрь
куни ўтказилган парламент сай-
лови тўғрисида батафсил маъ-
лумот берилди.

Ўз навбатида, Нур Жазлан
Моҳаммад парламент сайлови-
га халқаро кузатувчи сифатида
таклиф этилгани ҳамда илқ ва
самимий қабул учун Ўзбекистон
Республикаси раҳбариятига ўз
миннатдорлигини билдирди.

Шунингдек, у Ўзбекистонда-
ги ижтимоий-сиёсий ўзгариш-
ларга юксак баҳо бериб,
Президент Шавкат Мирзиёев
томонидан худудларни ривож-
лантириш бўйича олиб борилаёт-
ган изчил ислохотлар натижаси-
ни мамлакатта ташрифи давоми-
да кўрганлигини қайд этди.

Малайзия парламенти Сена-
ти Раиси ўринбосари бўлиб
ўтган сайловлар янги тахрирда-

ги Конституция, янги қонунчи-
ликка асосан аралаш сайлов ти-
зими — мажоритар ва пропор-
ционал шаклда ўтказилгани би-
лан аввалги сайловлардан туб-
дан фарқ қилгани, партиялар
томонидан депутатликка ном-
зодлар таклиф этилган аёллар-
нинг улуши 40 фоиздан кам
бўлмаганини юқори баҳолади.

Конструктив ва ўзаро ишонч
руҳида кечган учрашувда пар-
ламентлараро ҳамкорлик алоқа-
ларини кенгайтириш, уни янги
босқичга олиш чикиш, маданий-
гуманитар алоқалар, жумладан,
таълим, ахборот-коммуникация
технологиялари, маданият ва
спорт соҳаларидаги ҳамкорлик-
ни мустақамлаш масалалари
ҳам муҳокама қилинди.

Яқунда томонлар олий ва
юқори даражада эришилган ке-
лишувларнинг ижросини таъ-
минлашда парламент ролини
ошириш ҳамда “дўстлик гуруҳ-
лари” ўртасидаги мулоқотни
фаоллаштиришга келишиб олди.

Кузатувчиларнинг холис эътирофи

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин
Исмоиловнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Бош котиби
Сергей Лебедев бошчилигидаги делегация аъзолари билан
учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот аввалида меҳмон-
ларга мамлакатда кейинги йил-
ларда амалга оширилаётган ис-
лохотлар ҳамда куни кеча бўлиб
ўтган парламент сайлови ҳақида
батафсил маълумот берилди.

Ўз навбатида, С. Лебедев
қабул учун ўзининг чексиз мин-
натдорлигини билдириб, Олий
Мажлис Қонунчилик палатаси ва
маҳаллий Кенгашлар депутатли-
гига сайловларда халқаро куза-
тувчи сифатида иштирок этиш
учун МДХнинг 8 та мамлақати-
дан 167 нафар кузатувчи сайлов
участкаларида кузатувлар олиб
борганини қайд этди.

Шунингдек, у сайлов участ-

каларида барча қулайлик, зарур
шароитлар яратилгани, жумла-
дан, ноғиронлиги бўлган фуқа-
ролар ва кекса ёшдаги сайлов-
чиларга бўлган эътибор ва му-
носабат халқаро кузатувчилар
томонидан юқори баҳолангани-
ни билдирди.

Делегация раҳбари ўз сўзи-
да кузатув давомида сайловлар-
га тайёргарлик кўриш жараёни
бўйича кенг миқёсда ва холис
баҳо олингани, Ўзбекистонда
сайловлар ҳар доимгидек уюш-
қоқлик билан ўтказилганини
алоҳида таъкидлади.

Учрашув дўстона ва конст-
руктив руҳда ўтди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичлари

Жорий йилнинг 9 ойи давомида Ўзбекистон иқтисодиёти
барқарор ўсишни кўрсатди. Йил охиригача ЯИМ камида
6 фоизга ошиши кутилмоқда.

Таҳлил қилинаётган даврда иқтисодиётнинг
барча тармоғида ишлаб чиқариш ўсиши кузатилди.

Инвестицияларни жалб этишнинг юқори динамикаси мавжуд.
Таҳлил қилинаётган даврда асосий капиталга йўналтирилган
инвестициялар ҳажми 31 фоизга ошган.

Саноат ишлаб чиқариши 7 фоиз;

бозор хизматлари ҳажми 12,8 фоиз;

транспорт хизматлари ҳажми 8,6 фоиз;

қурилиш соҳаси 7,1 фоизга ўсди.



Манба: Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази.

Факт ва рақамлар

МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ҲАМДА ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ ВА ЎТКАЗИЛДИ

1 * баъзи сайлов участкаларида комиссия аъзоларининг фуқарога шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг мобилъ телефонда электрон фотосурати асосида сайлов бюллетенларини бериш ҳолатлари кузатилган;

* участка сайлов комиссиялари фаолиятига кўнгиллилар жалб қилинган;

* сайловчилар рўйхатида бўлмаган фуқарони рўйхат иловасига киритиш жараёнида Марказий сайлов комиссияси қарорида белгиланган ҳаракатлар кетма-кетлигига тўлиқ риоя этилмаган;

* овоз бериш кабинасига бир нечта сайловчиларнинг бир вақтнинг ўзига киришига айрим комиссиялар томонидан йўл қўйилган.

Алоҳида қайд этилганидек, ушбу ҳолатлар сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш ҳамда уларнинг натижаларини чиқаришнинг қонунийлигига таъсир кўрсатмади.

Умуман, сайловлар миллий қонунчилик ҳамда халқаро меъёрлар талаблари асосида, юқори савияда ташкил этилди ва ўтказилди.

Комиссиялар фаолиятига аралашув билан боғлиқ ишлар судларга келиб тушмаган

Сайловлар жараёни иштирокчиларининг қонунчиликка тўлиқ риоя этиши ва улар ҳуқуқларини таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирлар кўрилгани ҳам сайлов кўни ўз самарасини кўрсатди.

Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари Ш. Полвонов иштирокида бўлиб ўтган брифингда бу алоҳида айтиб ўтилди.

Таъкидланганидек, миллий қонунчилигимизда сайловга оид талабларни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган. Сайловолди ташвиқоти давомида ахборот ва ташвиқот материалларига қасддан шикаст етказиш билан боғлиқ 2 та иш судлар томонидан кўриб чиқилган ва тегишли қарорлар чиқарилган.

Сайловларга тайёргарлик кўриш жараёнлари бошланганидан буён сайлов комиссиялари фаолиятига аралашув, уларнинг ишларига

тўқинлик қилиш, мурожаатини кўриб чиқишни ғайриқонуний тарзда рад этиш, кўриб чиқиш муддатини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари судларга келиб тушмаган.

Қолаверса, сайловни ташкил қилиш, уни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ёхуд сайлов комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш ва сайлов қонунчилигини бошқача тарзда бузишга оид жиноят ишлари ҳам судлар юритувига келиб тушмаган.

Брифингда фуқаролар томонидан сайлов комиссияларига ҳуқуқлари бузилгани ҳақидаги мурожаатларига берилган жавобларидан норози бўлиб судларга ариза келтирилмагани ҳам айтиб ўтилди. Айни чоғда комиссиялар қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш ёки уларнинг хатти-ҳаракатларининг ғайриқонуний эканига доир шикоятлар судларга келиб тушмаган.

Брифинг давомида ҳорижий давлатлардаги ваколатхоналарда тузилган 57 та участка сайлов комиссияси қарорлари юзасидан ҳам мурожаатлар келмагани, умуман, сайлов жараёнлари қонунчилик талабларига мувофиқ тарзда ўтказилгани маълум қилинди.



Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари таъминланди

Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида Бош прокурор ўринбосари Ш. Аминов иштирокида ўтказилган брифингда сайлов жараёнида қонунийликни таъминлаш бўйича амалга оширилган саъй-ҳаракатлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Қайд этилганидек, 27 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловлар миллий қонунчилик талаблари ва халқаро стандартлар даражасида ўтказилди.

Сайловлар давомида прокуратура органларига 7 та мурожаат келиб тушгани ва шундан 4 таси сайлов комиссиялари томонидан фуқароларга тақлифнома берилмагани билан боғлиқ бўлиб, улар тезкорлик билан ўрганиб чиқилган ва фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари таъминланган. Қолган 3 та мурожаат эса сайловолди ташвиқоти жараёни, овоз бериш тартиби ва сайловга тайёргарлик кўришга алоқадор бўлиб, уларга ҳам ҳуқуқий муносабатлар билдирилди.

Брифингда сайлов қонунчилиги бузилишига доир ОАВ ва ижтимоий тармоқлардаги материаллар ўрганиб борилгани, бир нафар шахс сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартибини бузгани боис маъмурий жавобгарликка тортилгани ҳам таъкидлаб ўтилди.

Барча жараёнлар очиқ ва шаффоф бўлгани эътироф этилди

Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва МДХ Парламентлараро Ассамблеяси миссияси вакиллари иштирокида бўлиб ўтган брифингда мазкур тузилманинг Бош котиби Сергей Лебедев мамлакатимизда сайловлар жараёнига тайёргарлик кўриш ва унинг ўтиши ҳақида фикр билдирди ва миссиянинг ҳулосаларини тақдим этди.

Миссия вакиллари томонидан ҳудудларда сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнлари кузатиб борилди. Сайловларга юқори даражада тайёргарлик кўрилгани ҳамда сиёсий партиялар ва уларнинг номзодлари томонидан кенг кўламли ташвиқот материаллари тайёрлангани қайд этилди.

Уларнинг фикрига кўра сайлов кўни сайловчилар кўтаринки, байрамонга кайфиятда бўлиб, овоз бериш жараёни қонунчиликка мос тарзда ўтказилган. Сайловлар демократик тамойиллар асосида, очиқ ва ошкоралик руҳида ташкил этилди ва ўтказилди.

Брифингда МДХ Парламентлараро Ассамблеяси гуруҳи координатори, Қирғиз Республикаси Жогорку Кенеші кўмита раиси ўрин-

босари Т. Масабилов ҳам сайловлардаги кузатувлар бўйича миссия ҳулосаларини улашди. У сайловлар тегишли қонунчиликка риоя қилинган ҳолда ҳамда очиқ ва шаффоф бўлганини алоҳида эътироф этди.

Адолатлилик, очиқлик ва демократик принциплар устуворлик қилди

Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида уюштирилган навбатдаги брифингда Туркий мамлакатлар Парламент ассамблеяси миссияси вакиллари иштирок этди.

Мазкур миссия вакиллари томонидан қайд этилганидек, Ўзбекистонда ўтказилган Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловларда адолатлилик, очиқлик ва демократик принциплар устуворлик қилди. Буни сайловлар жараёнларини кузатиш учун 850 дан ортиқ халқаро кузатувчилар келгани тасдиқлайди. Зеро, бу ҳам сиёсий жараёнлар очиқ-ошкора ўтишида муҳим омил бўлди.

Тадбир давомида миссия вакиллари сиёсий партиялар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказгани ва партияларнинг сайловларга тайёргарлик кўриш ишлари билан яқиндан танишганини ҳам келтириб ўтишди.

«Халқ сўзи».

ЮКСАК ФАОЛЛИК ВА ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ

Сайлов жараёнларида очиқлик ва ошкораликни таъминлашда кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллариининг иштироки муҳим аҳамиятга эга. Юртимизда кўни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловларни қатор нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда тузилмалар, шунингдек, хорижий давлатлардан 850 нафардан зиёд хорижий (халқаро) кузатувчилар бевосита кузатиб борди. Шу билан бирга, аккредитациядан ўтказилган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг мингдан ортиқ вакиллари томонидан ушбу сиёсий жараён кенг ёритилди. Мухбирларимиз уларнинг таассуротлари, фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Фикр

Владислав ДАВАНКОВ, Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат думаси раисининг ўринбосари:

— Биз Россиядан депутатларнинг катта гуруҳи билан Ўзбекистондаги сайловлар жараёнини кузатиш учун сайловлар кўнига бир оз вақт қолганда келгандик. Дастлаб Бухоро ва Самарқанд вилоятларида бўлиб сайловларга тайёргарлик жараёнини таҳлил қилдик. Тан олиш керакки, ҳаммаси юқори савияда ташкил этилган.

Сайлов кўни Тошкент шаҳридаги сайлов участкаларида бўлди. Аҳоли сайловларда фаол иштирок этди. Ҳеч қандай қондабозарлик кузатилмади.

Сайлов участкаларида кўплаб йигит-қизларни учратдик. Бу эса ёшларнинг замон билан ҳамнафас бўлиб, янгиликка интилишидан далолат беради, назаримизда. Яна бир аҳамиятли жиҳати, 40 фоиз аёл номзод кўрсатилгани ҳам ижобий кўрсаткич ҳисобланади.

Қисқача айтганда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловлар демократик талабларга тўла жавоб беради.

Зарема ШАУКЕНОВА, Қозогистон Республикаси Миллий фанлар академияси академиги, ижтимоий фанлар доктори, профессор:

— Кузатувчи сифатида иккинчи мартаба сайловни кузатишга муваффақ бўлдим. Овоз бериш жараёни юқори даражада, илгор ахборот технологиялари кенг қўлланилган ҳолда ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман.



Тўртта сайлов бюллетени мавжудлигига қарамай фуқаролар ўз танлаган номзодларига ҳеч иккиланмасдан овоз беришганига амин бўлдик. Овоз беришда ёшлар фаол иштирок этгани эътиборга молиқ. Бу, айниқса, олий таълим муассасаларида яққол сезилди.

Сайлов қонунчилиги билан шугулланганим учун Қозогистонда, Марказий Осиё мамлакатларида, МДХда сайловлар қандай ўтаётганини кўрганим учун бир нечта фикрларни билдирмоқчиман. Аввало, бу рақамлаштириш билан боғлиқ. Сайловнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида сайловчиларнинг электрон рўйхатлари шакллантирилгани диққатга сазовор.

Эрта овоз бериш жараёни уюшқоқлик билан ташкил этилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ҳуқудан миллиондан ортиқ фуқаролар фойдаланди. Номзодларнинг 40 фоизи хотин-қизлар экани ҳам эътиборли. Чунки гендер тенглик — катта ютуқ.

Грегор ШПИТЦЕН, «Berliner Telegraph» журнали бўлим муҳаррири:

— Мамлакатингизга иккинчи мартаба келишим. Ижобий ўзгаришлар кўламидан ҳайратдаман. Айниқса, ишбилармонлик борасидаги ўзгаришлар ва молиявий барқарорлик катта таассурот қолдирди. Мамлакат иқтисодий тараққиётида-

Озиев АХМЕД, халқаро кузатувчи (Саудия Арабистони):

— Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Сайловдан бир кун олдин пойтахтни айланиб чиқдим ва концертда қатнашдим. Бу ердаги одамларнинг меҳмондўстлиги ва самимиёлиги менда катта таассурот қолдирди. Сайловларда уларнинг фаоллигини кўриб, янада ҳайратландим. Фуқароларнинг мамлакат тақдирига бефарқ эмаслигини уларнинг ўз оила аъзолари билан эрта тонгданок овоз беришга келишгани яққол тасдиқлади.

Мен Ар-Риёддан эфирга узатиладиган “SHAM NEWS” телеканали вакилиман. Бизда Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонга бағишланган туркум дастурларни тайёрлаш лойиҳаси бор. Агар ушбу лойиҳа амалга оширилса, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшган бўламыз.


Рамлан Бин ХАРУН, Малайзия Марказий сайлов комиссияси раиси:

— Биз мамлакатингизда бўлиб ўтган демократик сайловларни диқ-

қат билан кузатиб бордик. Негаки, ислохотларнинг самарадорлигини таъминлашда ушбу сайловлар муҳим аҳамиятга эга. Парламент сайлови очиқ ва шаффоф руҳда ўтди, деб бемалол айта оламиз.

Бир томондан, сайловлар илк бор аралаш — мажоритар ва пропорционал сайлов тизими асосида ўтказилди. Бу халқнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини янада кенгайтиришга олиб келади, албатта. Бошқа томондан, бу йилги сайловларда рақамли технологиялар имкониятларидан самарали фойдаланиш сайловчиларга, сайлов ташкилотчиларига, халқаро ва маҳаллий кузатувчиларга қулайлик яратди. Шунингдек, бу сайловларнинг эркин ва адолатли ўтказилишига ҳам имкон берди.

Хусусан, “Е-saylov” ахборот тизимининг жорий этилиши олдинга катта силжиш бўлиб, сайловлар жараёнини замонавийлаштиришга хизмат қилади. Бу рақамли платформа нафақат жараёни соддалаштириб, бюрократия ва қозғозбозликни камайтирди, балки сайловларни янада самарали ва шаффоф қилди. Мазкур тизим сайловчиларга ўз ҳудудидан кўрсатилаётган номзодлар ва уларнинг дастурлари ҳақида маълумот олиш учун қулайлик яратгани билан аҳамиятлидир.



«Халқ сўзи».

ДЕМОКРАТИК ПРИНЦИПЛАРГА ҲАМОҲАНГ

Ўз ўрнида сайлов органлари вакиллари сайловга оид жараёнлар, сайлов участкаларидаги кузатувлари юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, сиёсий тадбир юқори даражада ва халқаро стандартларга мувофиқ, ҳозирги кунда қўллаб давлатларда учрамайдиган янгиликларга бой тарзда ўтганини эътироф этди.

Хусусан, АҚШнинг Сайловга қўмаклашиш комиссияси аъзоси Кристи Маккорник республиканинг турли ҳудудда бўлиб, сайлов участкаларидаги жараёнлар билан танишиш чоғида сайлов комиссиялари аъзоларининг профессионаллигига, сайловчилар учун яратилган имкониятлар ва ташкилий ишлар юқори даражада эканига гувоҳ бўлганини, шунингдек, сайлов жараёнларида татбиқ қилинган электрон овоз бериш қўрилмалари қўллаб бюрократик тўсиқларга ечим бўлиш билан бирга сайлов органи ишини осонлаштиришга хизмат қилгани, сайловчиларга қулайлик яратишда ҳам муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаб ўтди.

Малайзия парламенти Сенати Раиси ўринбосари Нур Жазлан Моҳаммад: “Самарқанд ва Бухоро вилоятларида бўлиб,

ҳудудий сайлов участкаларида ташкил қилинган жараёнлар билан яқиндан танишдим. Шунингдек, эътироф этишим жоиз, сайловчилар эркин ва сайлов ҳуқуқларидан тўла фойдаланган ҳолда овоз беришлари учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Бундан ташқари, сайлов жараёнларини рақамлаштириш ва электронлаштириш орқали Ўзбекистон сайловлар соҳасида етакчи мамлакатлар қаторидан ўрин олиб бораётгани мени жуда қувонтирди. Муҳим сиёсий тадбир юқсак даражада ташкил этилган. Ўйлайманки, Малайзия давлати ҳам бу йўналишда Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси билан тажриба алмашиш ва ҳамкорликни йўлга қўйишдан манфаатдор”, дея алоҳида қайд этди.

Шунингдек, Мўғулистон Давлат Буюқ Хурали ҳамда Мўғулистон — Ўзбекистон парламентларо ҳамкорлик гуруҳи аъзоси Уянгахишиг Гончигдорж янги сайлов қонунчилиги асосида бўлиб ўтган сайловлар юқори ташкилий даражада, умум-эътироф этилган стандартларга мос тарзда амалга оширилганини таъкидлади.

«Халқ сўзи».

Анжуман

МИССИЯ ХУЛОСАЛАРИ ТАҚДИМ ҚИЛИНДИ

Кеча Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловларни кузатиш бўйича миссияси вакиллари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда миссия раҳбари Дуглас Уэйк ҳамда ЕХҲТ махсус координатори ва қисқа муддатли кузатувчилари етакчиси Азай Гулиев томонидан миссиянинг Ўзбекистондаги сайлов жараёнини кузатиш бўйича хулосалари тақдим этилди.

Миссия раҳбари 2017 йилдан буён Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни юқори баҳолашни алоҳида таъкидлади. Миссия вакиллари республикамизнинг 14 та ҳудудида бўлиб, овоз бериш жараёнларини бевосита кузатди. Сайлов участкаларида номзодлар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар тақдим қилинган. Сайловлар жараёни халқаро стандартларга мос равишда, шаффоф ва очиқлик муҳитида ўтди.

Таъкидланганидек, 2023 йил декабрда сайлов қонунчилигига тегишли ўзгартиришлар киритилди, янги Сайлов кодекси қабул қилинди. Сайловларга тайёргарлик кўриш арафасида ишга туширилган “E-saylov” ахборот тизими эса сайлов жараёнининг

қўллаб тартиб-таомиллари рақамлаштирилишига ҳамда бюрократик тўсиқларни кескин камайтиришга хизмат қилди. Шу билан бирга, юртимиз тарихида илк бор Тошкент шаҳридаги қатор сайлов участкаларида сайлов куни электрон овоз бериш тажрибасинов тарикасида йўлга қўйилгани ҳам айтиб ўтилди.

— Бу янгиланиш ва ўзгаришлардан келиб чиқиб, сайловларга юқори даражада тайёргарлик кўрилганини эътироф этамиз, — деди ЕХҲТ махсус координатори ва қисқа муддатли кузатувчилари етакчиси Азай Гулиев.

Ўз навбатида, бу галги сайловларда аёллар учун гендер квотаси 30 фоиздан 40 фоизга оширилгани ва ногиронлиги бўлган фуқароларнинг иштироки миссия вакиллари томонидан ижобий баҳоланди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон сайлов қонунчилиги изчил ривожлантирилиб, сайловларга техник жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрилгани алоҳида урғуланди.

«Халқ сўзи».

ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЙЎНЛИГИ

ИЛМИЙ-ТЕХНИК ТАРАҚҚИЁТНИ ТЕЗЛАШТИРАДИ

Мамлакат келажаги, барча соҳа ва лойиҳалар муваффақияти билимли инсонларга боғлиқ. Шу боис кейинги йилларда таълим, хусусан, олий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш борасида қатор ижобий натижаларга эришилди.

Жаҳонда глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви, жамият ижтимоий-иқтисодий

Мушоҳада

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграция жараёнлари, биринчидан, тежамли ва самарали ҳисобланса, иккинчидан, илмий-техник тараққиётни тезлаштиради, учинчидан, нафақат муайян бир мамлакат, балки бутун дунё ҳамжамиятининг фан ва олий таълимнинг интеллектуал салоҳиятидан оқилона фойдаланиш имконини беради.

Охириги етти йилда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган олий ўқув юртилари сони 77 тадан 211 тага етди, 30 га яқин хорижий олий таълим муассасаларининг фаолияти йўлга қўйилди, хусусий секторга катта имкониятларнинг тақдим этилиши натижасида хусусий олийгоҳлар сони ошди. Қамров даражаси кенгайди. 2030 йилгача бўлган муддатда олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг самараси ўлароқ, 2024 йилда “Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ва Ўзбекистон Миллий университети “QS World University Rankings” халқаро рейтинг агентлиги томонидан ёзлон қилиб бориловчи “ТОП — 500” олий таълим муассасалари қаторидан ўрин эгаллади.

Жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўқув юрти битирувчилари олдида янги талабларни қўяди. Уларнинг касбий кўникмалари ва малакаси ўқитишнинг ил-

мий асослари, ўзгарувчан иқтисодий шарт-шароитларга мослаша олиш қобилияти, ўз билимларини муттасил бойитиб бориш ва улардан ижодий фойдаланиш қобилиятлари билан белгиланади. Бугунги кунда замонавий мутахассис ўз мақсад, вазифа ва хатти-ҳаракатларини ўзга инсонларнинг мақсад, вазифа ва интилишлари билан мувофиқлаштира олиши лозим.

Мамлакатимиз олий таълим

ҳаётининг барча жабҳасига рақамли технологияларнинг кириб бориши, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш борасида ҳукуматлар томонидан интилишларнинг кучайиши, ўз навбатида, олий таълим самарадорлигини ошириш масалаларига ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Бундай шароитда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро уйғунлигини таъминлашга катта эҳтиёж сезилади.



тўсиқларсиз академик мобиллик имконияти яратилгани, турли давлатларнинг таълим тизими ўртасидаги халқаро алоқаларнинг кенгайтирилиши ҳамда таълимда глобал интеграция шакллантирилиб, ўқув жараёнида мутлақо янгича ёндашувнинг вужудга келиши, энг муҳими, фан ва таълимда эришилётган ютуқлар, илмий инновацион гоя ва ишланмаларнинг

аҳамиятига молик 50 га яқин экспериментал шахарчалар барпо қилиш режалаштирилган. Бу Хитой иқтисодиётини модернизациялашнинг асоси ҳисобланади.

Жорий йил 20 июнда давлатимиз раҳбари томонидан “Инно” инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопаркида муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан ўтказилган видео-селектор йиғилишида олийгоҳ билан саноат ўртасида узилиш борлиги, бир сўз билан айтганда, “фан — таълим — ишлаб чиқариш” интеграциясига етарлича эътибор қаратилмаётгани танқид қилиб ўтилди ва бу борада вазиятни ўнглаш бўйича тегишли вазифалар белгиланган бўлиди.

Президентимиз томонидан билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, мамлакатимиз олий таълим муассасаларида “фан — таълим — ишлаб чиқариш” уйғунлигини амалга ошириш янгича ёндашув ва муносабатларни тақозо этади. Ушбу тизим, бир томондан, таълимда сифатли ўқув жараёнининг мавжуд бўлишини ва унинг доимо ишлаб чиқарувчилар эҳтиёжи асосида такомиллаштириб борилишини талаб этса, иккинчи томондан, профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги муносабатларда шаффофликни вужудга келтиради, учинчидан, шиддат билан жадал ривожланаётган иқтисодий тармоқларига юқори малакали соҳа мутахассисларини етказиб беради.

Натижада мамлакат олий таълим тизимидаги янгича ёндашув юртимизда учинчи Ренессанс пойдеворини шакллантириб, янги Ўзбекистонга мўносиб билимли авлодни тарбиялаш имкониятини яратади.

Қўлмамат МИРЗАЕВ, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Рақамли иқтисодиёт кафедраси mudiri, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

“Охириги етти йилда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган олий ўқув юртилари сони 77 тадан 211 тага етди, 30 га яқин хорижий олий таълим муассасаларининг фаолияти йўлга қўйилди, хусусий секторга катта имкониятларнинг тақдим этилиши натижасида хусусий олийгоҳлар сони ошди. Қамров даражаси кенгайди. 2030 йилгача бўлган муддатда олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш кўзда тутилган.”

рижий тажрибаларни ўрганиш биз учун катта аҳамият касб этади.

Халқаро амалиёт кўпгина ривожланган давлатларда олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш “фан — таълим — ишлаб чиқариш” интеграциясини амалга оширувчи тизимга асослангани, шунингдек, назарий таълимни амалиётга яқинлаштириш, юқори малакали кадрларга эҳтиёжни қондиришга қаратилаётгани билан тавсифланади.

Хусусан, Европа Иттифоқида фан, таълим ва ишлаб чиқариш уйғунлиги Болонья тизимига кирувчи университетлар ўртасида ортқча

ишлаб чиқаришга татбиқ қилинишида акс этади.

Бу борада Хитой тажрибаси ҳам муҳим. Хитойда касбий таълим соҳасида таълим ва саноат тармоқларининг интеграциясига қўмаклашувчи Ҳаракатлар дастури қабул қилинган бўлиб, 2025 йилгача саноат ва таълимнинг интеграциясини таъминлашга йўналтирилган 10 мингдан ортқ корхоналарни ташкил этиш кўзда тутилган. Шу билан бир қаторда, 2025 йилгача бўлган муддатда Хитойнинг бутун ҳудуди бўйлаб таълим, фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш мақсадида давлат

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАФСИЛОТЛАР

«Китобхон давлат хизматчиси»



Сирдарё вилоятида илк бор ташкил этилган танлов ана шундай номланди. Икки босқичда ўтказилган ушбу танловда ҳокимликлар, бошқармалар, ташкилотларнинг раҳбар ҳамда ходимлари қатнашди.

Танловнинг биринчи босқичи онлайн тарзда ташкил қилиниб, номзодлар илмий-оммабоп, ўзбек ҳамда жаҳон адабиётлари, буюк адибларимиз ҳаёти ва ижодига оид 25 та тест саволига жавоб берди.

Иккинчи, яъни финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган китобхон ходимлар эса “Бадиий асарлар билимдони” ҳамда “Тезкор савол-жавоб” шартлари асосида беллашишди.

Яқунда қолиблар аниқланиб, муносиб рағбатлантирилди.

Интенсив балиқчилик маркази ва экотуризм маскани

Айни пайтда Фаргона вилоятининг Қува туманида “Камбағалликдан — фаровонлик сари” умуммиллий ҳаракати доирасида интенсив балиқчилик маркази ташкил этилмоқда.

Натижада биринчи босқичда 130 дан зиёд янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган. Шу мақсадда ҳозирда сунъий ҳовузалари тайёрлаш ишларига старт берилган.

Маълумотларга кўра, балиқчилик ҳовузалари кооперация асосида ижтимоий ҳимоя реестрига кирилган оилалар аъзоларига бўлиб берилади. Кооперация аъзолари қисқа муддатли ўқув курсида ўқитилиб, Африка лақақ балигини боқиш бўйича илмий-амалий тажрибага эга бўлиши таъминланади. Тайёр махсулот кооперация томонидан сотиб олинади.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида эса бу ерда экотуризм маскани барпо қилинади.

Тадбиркорлар ҳақида фильм



Маданият вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлиги “Ҳужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси” ДУК томонидан “Тадбиркорлик. Катта сакраш” номли ҳужжатли фильм суратга олинмоқда.

Ушбу ҳужжатли фильмда тадбиркорлар учун бугунги кунда яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда улкан ютуқларга эриша олган ҳамда қўллаб иш ўринлари яратиб, юртимиз фаровонлигини ошириш йўлида жонбозлик кўрсатаётган тадбиркорлар фаолияти ёритилади.

Айни дамда суратга олиш гуруҳи Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида тасвирга олиш ишларини олиб борапти.

Қишлоқдаги замонавий ўқув биноси

Бухоро вилоятининг Фихрудон туманидаги “Сарвари” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 13-умумтаълим мактабида ўқувчи ўринлари сони 240 тага кўпайди. Бу ерда қишлоқ мактаби учун қўшимча ўқув биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Инвестиция дастури доирасида 2 млрд. 83 млн. сўм миқдоридаги маблағ эвазига қурилган ушбу бинода ёшларнинг сифатли билим олиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Маълумот учун, тегишли дастур асосида жорий йилда вилоятда қирққа яқин умумтаълим мактаблари, битта ихтисослаштирилган мактаб-интернат ҳамда ўн та мактабгача таълим ташкилотида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилган.

«Халқ сўзи».

TOSHKENT
KIMYO-TEKNOLOGIYA
INSTITUTI
quyidagi lavozimlarga shartnoma asosida tanlov e'lon qiladi:
■ Neft va gazni qayta ishlash kimyoviy texnologiyasi kafedrasi mudiri;
■ Asosiy organik sintez kafedrasi mudiri;
■ Oziq-ovqat mahsulotlari sifati va xavfsizligi kafedrasi mudiri;
■ Avtomatlashtirish va raqamli boshqaruv kafedrasi mudiri;
■ Sanoat iqtisodiyoti va menejmenti kafedrasi mudiri;
■ Kimyo kafedrasi mudiri;
■ Tillar kafedrasi mudiri.
Yuqoridagi lavozimlarga tegishli nomzodlardan ariza, fotosuratli so'rovnoma, tarjimai hol, oliy ma'lumot, ilmiy daraja, unvonlar haqidagi diplomlarning asli (qaytarib beriladi) va nusxalari, ilmiy ishlar ro'yxati va malaka sertifikatini talab qilinadi. Hujjatlar ushbu e'lon chop etilgan kundan boshlab bir oy muddat ichida qabul qilinadi.
Manzil: 100011, Toshkent shahri, Alisher Navoiy ko'chasi, 32-uy, institutning inson resurslari bo'limi, telefon: 71-244-79-31.

O'ZBEKISTON DAVLAT KONSERVATORIYASI HUZURIDAGI
BOTIR ZOKIROV NOMIDAGI MILLIY ESTRADA SAN'ATI INSTITUTI
quyidagi kafedralar bo'yicha lavozimlarga tanlov e'lon qiladi:
● Estrada xonandaligi kafedrasi — dotsent (2);
● Estrada cholg'u ijrochiligi kafedrasi — katta o'qituvchi (2), dotsent (2);
● Estrada ijrochiligi pedagoglari tayyorlash kafedrasi — dotsent (2);
● Musiqiy nazariy va tarixiy fanlar kafedrasi — dotsent (1);
● Estrada orkestri dirijyorligi kafedrasi — dotsent (1);
● Musiqiy ovoz rejissyorligi kafedrasi — dotsent (2);
● Fakultetlararo fortepiano ijrochiligi kafedrasi — katta o'qituvchi (2).
Tanlovda ishtirok etish uchun da'vogarlar quyidagi hujjatlarni taqdim etishlari lozim:
● rektor nomiga ariza;
● xodimlar shaxsiy varaqasi;
● oliy ma'lumoti, ilmiy darajasi, ilmiy unvoni haqida diplom va attestatlarning nusxalari;
● o'quv-uslubiy, ilmiy tadqiqot va ilmiy-ijodiy ishlari ro'yxati;
● mutaxassislik bo'yicha oxirgi uch o'quv yilida malaka oshirgani to'g'risidagi guvohnoma va sertifikatlar nusxasi.
Arizalar e'lon chiqqan kundan boshlab bir oy muddatda Botir Zokirov nomidagi Milliy estrada san'ati institutining xodimlar bo'limi tomonidan qabul qilinadi.
Manzil: Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, Botir Zokirov ko'chasi, 1-uy.
O'zDK huzuridagi Botir Zokirov nomidagi Milliy estrada san'ati instituti.
Telefonlar: 97-139-35-25, 90-989-13-89.

РЕКЛАМА

«Янги Ўзбекистонда олий таълим: кеча, бугун ва эртага»

Мамлакатимиз келажаги, халқимизнинг эртанги куни, жонажон Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши ёшларимизнинг бугунги таълим-тарбияси, қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқ. Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотлардан қўзланган асл мақсад ҳам шу аслида.

Яқинда нашрдан чиқиб, кенг китобхонлар оммаси қўлига етиб борган Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қўнғиротбой Шариповнинг ушбу китобида ҳам юртимиздаги олий таълим тизими, кейинги йилларда бу соҳа ривожини учун ҳаётга татбиқ этилган эзгу ташаббуслар, унинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида сўз боради.

Муаллифнинг турли фикр-мулоҳазалар, тахлилий-танқидий қарашлар асосида ёзган мақолаларидан таркиб топган ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 33 йиллигига бағишланган.

Китобда мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар, олий таълим тизимидаги сифат ўзгаришлари илмий асосланган.

Ишонамизки, юртимиздаги олий таълим, илм-фан, таълим-тарбия тизими ривожининг бугунги суратларига қизилгар берилган ушбу янги асар намуна шу соҳа вакиллари, балки кенг жамоатчилиқ, ўқувчи-ёшлар учун қизиқарли бўлади.



«Минглаб томиримда гуллайди ҳамал...»

Эҳтимол, шоир бу сатрларни ёзаётганида юрагидан янги баҳор кўз очган, шаррос ёмғирлар овози руҳини силпи маъволар сари чорлаган, ҳаётнинг турфа йўллари — орзу ва армонлар, ташвиш ва умидлар, бахт ва қайгуларни бир-бир кўз олдидан ўтказган ва яқин қарорга келгандир...

Бу сатр муаллифи ҳам қўлига қалам олиб, оқ қоғоз узра мисраларни жонлантира бошлаганидан бери яратиш ва яшатиш ишқидан кун кечираётган ижодкор Абдумажид Азимдир.

Яқинда шоир ўз мухлисларини яна хушнуд этди, шеърини гулшанига ўзининг анвойи ва турфа гулларини армугон қилди. Бу армугон "Танланган асарлар" туркуми остида 4 жилда жамланган бўлиб, ҳар биридан шоирнинг турли йиллар ва жойларда битган ашъорлари ўрин олган.

Таъкидлаш лозимки, ижодкор таржима соҳасида самарали меҳнат қилиб, жаҳон адабиётининг сара шоирлари ижодини ўзбек китобхонага таништириб келмоқда. Тўпламнинг 4-жилди, айниқса, шу жиҳатдан аҳамиятлидир. Унга жаҳон шеърятининг кўзга қўринган вакиллари — Александр Блок, Евгений Евтушенко, Белла Ахмадулина, Осип Мандельштам каби қатор шоирлар ижодидан қилган таржималари киритилган.

Асарларнинг барчаси китобхоналаримизга манзур келишига ишонамиз.



Истеъдодли ижодкордан икки туҳфа

Хумоюн Акбар номини бугун адабиёт ихлосмандлари яхши билишади. У назму насрда ҳам, таржима соҳасида ҳам бирдай фаол ишлаётган ижодкорлардан бири, десак, муболага эмас.

Ўтган йиллар м о б а й н и д а унинг "Юракдаги рангинг камалак", "Унутилмаган гул", "Дилхинож" каби бир қатор шеърини китоблари мухлислар қўлига етиб борди. Шунингдек, таълим соҳасида орттирган тажрибалари, таассуротлари натижасида ёзилган "Етти сабоқ" номли педагогик достони, "Талабалар шахарчаси", "Сабоқлар" сингари шеърини китоблари ҳам ўз мухлисларини топган.

Яқинда чоп этилган "Ёмғир" шеърини тўплами ва "Анахита" романи ҳам ижодкорлар, адабиётшунослар ўқувчилар томонидан илиқ қўлиб олинди. Хусусан, "Ёмғир" тўпламидан шоирнинг сўнгги йилларда ёзган ва олдинги китобларидан танлаб олинган шеърлари ва таржималари ўрин олган.

"Анахита" романи эса ўн йил давомида ёзилган бўлиб, унда тарих ва бугунни боғлаш ҳамда тасвириладша муаллифнинг маҳорати аққол сезилди. Романда ўтган асрнинг 60-йиллари ҳаёти ҳамда эраимиздан олдинги IV-III асрларда яшаган аждодлар турмуш тарзи акс эттирилган.

Мазкур икки асар китобхонлар кўнглидан муқим жой олиб, кутубхоналарини безашига шубҳа йўқ.

«Халқ сўзи».



Европа Иттифоқи — Марказий Осиё ёш етакчилари конференцияси:

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ВА БИРДАМЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДАГИ ЯНГИ ОДИМЛАР

Ўзбекистон жадал ислохотлар мамлакатаи сифатида жаҳондаги энг муҳим интеграцион бирлашмаларга аъзо давлатларнинг келажаги белгиланадиган марказ вазифасини аъло даражада ўтамоқда. Пойтахтимизда 30-31 октябрь кунлари "Европа Иттифоқи — Марказий Осиё ёш етакчилар конференцияси: барқарор сув ҳаракати парадигмасини ўзгартириш" мавзусидаги яна бир нуфузли минтақавий анжуманга катта тараддуд қўрилди. Аминимизки, Ўзбекистон жаҳоннинг глобал иқтисодиёти, инсониятнинг барқарор фаровонлигини белгилайдиган атроф-муҳит, энергетика, экология, қишлоқ ва сув ҳўжалиги каби долзарб жабҳаларда ҳам барқарор ва йирик янгиланишларни рўёбга чиқаришда бирлашишга Марказий Осиё учун ўзига хос платформа бўла олади.

Ҳўш, конференциянинг ўзига хос хусусиятлари нималарда намоён бўлади? Сувдан барқарор фойдаланишда Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасида ҳамкорлик нега муҳим? Сув ресурслари бўйича қандай ҳамкорлик истиқболлари мавжуд? Барқарорликда аҳоли ва ёшларнинг роли қандай?

■ Конференция олдидан

Ёшларга ишонч — бебаҳо туҳфа

Таъкидлаш жоизки, таълимга юксак эътибор боис дунё бўйлаб ёшларнинг фаоллиги ортмоқда, ижодкорлик ва меҳнатқашлик фа-зилатлари юзага чиқиб бормоқда. Европа Иттифоқи — Марказий Осиё ёш етакчилар конференцияси ана шундай лидер ёшларга келгусида ўз оилалари, маҳаллалари, юрт ва кенг жамиятда фаровон ҳаётни таъминлашлари учун янги имкониятдир.

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили шафелиги остида Халқаро Нордик университети томонидан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда "UzReport" ахборот агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилаётган конференция Марказий Осиёнинг бешта давлатидан 35 ёшгача бўлган 100 нафарга яқин иштирокчиларни ўзида жамлайди. Улар талабалар, ташаббускор ёшлар, тадқиқотчилар, ёш сиёсатчилар, фуқаролик жамияти ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, ҳукумат экспертлари вакиллари. Жамиятлараро ҳамжиҳатликни сақлаш ишларига халқаро ҳамжамиятнинг энг фаол аъзолари сифатида кириб келаётган ёшларнинг бундай оммавий сафарбар этилиши уларга нуфузли минбарда туриб ўз овозларини кенг жамоатчиликка баралла етказиш имконияти ҳамдир.

Конференция очилиш маросими, олий даражали панель ва барқарор сув ҳаракати бўйича Европа Иттифоқи — Марказий Осиё ҳамкорлиги ҳамда Марказий Осиёдаги сув инқирозини ҳал қилишда ёшларнинг ролига бағишланган иккита тематик сессиядан иборат бўлади. Халқаро Нордик университетида бўлиб ўтадиган конференция шўбда ва сессиялари ёш лидерларни минтақавий ҳамкорликка жалб қилиш ва уларга ўз қарашларини эркин баён этиш учун минбар яратиш, Европа Иттифоқи — Марказий Осиё кун тартибидан масалалар муҳокамасида фаол иштирок этиш имкониятини беради. Хусусан, бу ёшларнинг тарғиботчилик кучи орқали кенг аҳоли ва ёшлар оммасининг эътибори барқарор сув ҳаракатига жалб қилинади. Бу ёшлар яқин ва узоқ истиқболда давлатлар бошқаруvinинг турли соҳаларида ўз меҳнат фаолиятларини яхши қўшничилик, барча миллат вакилларига нисбатан ҳурмат таъминлаш, тинчликпарвар, инсонпарвар, дипломатия ютуқларига таянган ҳолда амалга оширишларига ишончимиз қомил.

Сув барқарорлиги — долзарб масала

Сув — улугъ неъматлардан бири, энг муҳим ҳаёт манбаи. Халқимизда "Ер — ҳазина, сув — гавҳар", деган нақлга бежиз ўру берилмайди. Денгиздан олганда ҳам сувни исроф қилмаслик ҳақида буюқларимизнинг чорловлари борки, ҳар биримизни сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ва уни асрашга ундайди.

БМТнинг сўнгги уч йиллик ҳисоботлари туркумига назар солсак, дунё мамлакатлари ярмининг чучук сув тизимлари бузилгани қайд этилмоқда. Бир ёки бир нечта турдаги чучук сув экотизимлари, жумладан, дарёлар, қўллар ва сувли қатламлар камайиб, таназзулга юз тутмоқда. Дарё оқимлари сезиларли даражада камайди, ер усти сув хазалари йўқолиб бормоқда, атрофдаги сувлар тобора ифлосланмоқда ва сувни бошқариш назоратдан чиқиб кетмоқда.

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларидан олтинчиси чучук сув манбаларини ҳимоя қилиш ва тиклаш орқали "тоза сув ва санитария"ни таъминлашга қаратилган бўлиб, бу глобал микёсдаги ҳаракатга даъват ҳамдир.

БМТ бўлим раҳбари Диана Копанский қайд этишича, сайёримизда соғлом чучук сув хазалари ва ресурслари жадаллик билан қуриб бормоқда, бу озик-овқат хавфсизлиги, иқлим ўзгариши ва биологик хилмахил-



лик учун жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда...

Маълумотларга кўра, глобал иқлим ўзгариши натижасида сўнгги 50 — 60 йил давомида Марказий Осиёда музликлар майдони тахминан 30 фоизга қисқарган. Прогнозларга кўра, 2050 йилга бориб чучук сув танқислиги минтақада ялли ички маҳсулотнинг 11 фоизга пасайишига олиб келиши мумкин. 90 та давлат, асосан, Африка, Марказий ва Жануби-Шарқий Осиёда бир нечта чучук сув экотизимлари деградацияни бошдан кечирмоқда. Ифлосланиш, тўғон қурилиши, ернинг ўзгариши ва иқлим ўзгариши натижасида чучук сув экотизимлари таназзулга учраяпти. Иқлим ўзгариши ва ердан фойдаланиш таъсирида дарёлар оқими бутун дунё бўйлаб 402 хавзада камайди, бу 2000 йилдагидан беш баравар кўп деганидир.

Экспертларнинг қайд этишича, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг кўп аҳолига эга

“Маълумотларга кўра, глобал иқлим ўзгариши натижасида сўнгги 50 — 60 йил давомида Марказий Осиёда музликлар майдони тахминан 30 фоизга қисқарган. Прогнозларга кўра, 2050 йилга бориб чучук сув танқислиги минтақада ялли ички маҳсулотнинг 11 фоизга пасайишига олиб келиши мумкин.”

мамлакат. Бугунги кунда, айниқса, қишлоқ жойларда сув танқислиги кескин сезилмоқда. ЖССТ ва ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, қишлоқ аҳолисининг атиги 71 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланган, шаҳарларда бу кўрсаткич 89 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари, қишлоқлардаги маиший оқова сувларнинг атиги 32 фоизи тўғри тозаланган. Натижада ижтимоий тенгсизлик кучайиб, атроф-муҳит ифлосланмоқда.

Сувнинг бундай ишлатилиши ва қурғоқчилик ортидан тоза ичимлик суви танқислиги жараёни яна тезлашиши мумкин. Бу эса оғир оқибатларга олиб келиши турган гап. БМТ ҳисоботларига кўра, сифатли ичимлик суви билан етарли таъминланмаганлик ва оқова сувлари тармоқларининг ишламаслиги оқибатида ҳар йили дунёда 780 минг киши дезинтерия ва холера (вабо)дан вафот этади. Бу сиёсий низолар, эпидемиялар ва зилзилалар оқибатида ҳалок бўлганлар сонидан кўп дегани. ЮНИСЕФ маълумотларига кўра эса ҳар йили тоза ичимлик суви етишмаслиги оқибатида дунёда беш ёшдан кичик бўлган 361 минг нафар бола диареядан вафот этади.

Энг хавотирлиси, БМТнинг Жаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш ташкилотининг ўтган йилги баёнотида 2050 йилга бориб қурғоқчилик дунё аҳолисининг тўртдан уч қисмидан кўпроғига таъсир этиши мумкинлиги маълум қилинди. Жаҳон табиий ресурслар институти (World Resources Institute) ва Британиянинг "Economist Intelligence Unit" ташкилоти эса 2040 йилга бориб сув танқислигига энг кўп учраши тахмин этилаётган 33 давлат номини эълон қилди. Улар ора-

сида Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон ҳам бор.

Бошқа манбаларда эса Марказий Осиёнинг баланд тоғли ҳудудларидаги музликларнинг катта қисми аср охирига келиб эриши мумкинлиги башорат қилинмоқда. Олимларнинг бундай ҳулосага келишига музликлар майдони ҳар йили бир фоизга қисқараётгани сабаб сифатида кўрсатилган. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ҳақиқатан ҳам, 20 — 30 йилдан кейин минтақамизда ана шундай жиддий муаммо кузатиладими?

Жорий йилнинг 7 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Сув ҳўжалигида замонавий бошқарув тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар бўйича асосий мақсадли кўрсаткичларга эришишни таъминлаш, шунингдек, илгор хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, сув ҳўжалигида замонавий бошқарувни жорий қилиш мақсадлари мужассамланган.

Президент барча манбалар бўйича ягона сув баланси ва давлат сув кадастрини ташкил этиш учун Сув ҳўжалиги вазирлигини масъул қилиб белгиледи. Шу асосда сувдан ва сув ҳўжалиги объектларидан унумли фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган илмий изланишлар ташкил этишга эътибор қаратилмоқда. 2024 йил охиригача 570 минг гектарда сув таъминотини яхшилаш ва бетон қопламали каналлар улушини 39 фоизга етказиш бора-сида чора-тадбирлар белгиланган. Ичимлик суви инфратузилмасини яхшилашга ажратиётган маблағларнинг самарасини аҳоли кундалик ҳаётида хис қилиши шартлиги таъкидланиб, ҳудудларда 2 минг километр тармоқ, 99 та сув иншооти ва 1 та оқова сув насос станциясини ишга тушириш режалаштирилган.

Миллатлараро тотувлик ва фаровонлик гарови

Айни пайтда 100 дан ортиқ мамлакатларда сув ресурсларини бошқариш бўйича етарлича тажриба, натижа ва муваффақиятлар кўзга ташланаётгани йўқ. Жамият ва иқтисодиётнинг сувдан барқарор фойдаланишга бўлган рақобатбардош эҳтиёжларини муво-

занатлаш 2030 йилга бориб барча соҳада, барча даражада ва барча мамлакатда сув ресурсларининг интеграциялашган бошқаруви (IWRM)ни жорий этишни талаб қилади. 47 та давлат "IWRM"ни бутунлай ёки деярли тўлиқ амалда қўллаган, 63 та давлат бу жараёни тезлаштириши жоиз, 73 та давлат эса жорий қилиш учун фақат чекланган имкониятларга эга. Маълумотларга кўра, ҳозирги тараққиёт суръати билан дунё фақат 2049 йилга бориб сувни барқарор бошқаришга эришади.

Тарихдан "Ахиллес товоғи" деган атама мавжуд ва у "заиф нуқта" деган маънони амаллатади. Марказий Осиё давлатлари учун сув муаммоси "Ахиллес товоғи"га ўхшатилади. Ҳа, сув муаммоси минтақада заиф нуқта бўлиб қолаятгани айни ҳақиқат.

Евроосиё Тараққиёт банки эълон қилган ҳисоботга кўра, Марказий Осиё беш йил ичида 5 — 12 куб метрлик сурункали сув тақчиллигига дучор бўлади, минтақадаги қишлоқ ҳўжалиги, саноат ва энергетика инқироз ҳолатига тушиб қолади. Банк экспертларининг фикрича озик-овқат, сув ва электр қуввати тақчиллиги аҳолининг қишлоқлардан шаҳарларга ва минтақадан ташқарига

Минтақавий конференция барқарор ривожланиш йўлида мавжуд хавфларни барта-раф этишда катта қадам. Ўзбекистон бу жараёнларнинг маркази, ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб майдонга чиқаётгани эса қувонарлидир. Келгусида конференция ҳулосалари ва натижалари асосида жамиятларнинг эҳтиёжлари ва қўлмалларига мос ўзгаришлар амалга оширилади. Жамиятга залварли сиёсий салоҳият билан қадам қўяётган ёшлар иштирокида бу борадаги ислохотлар янгича оқимда кечади. Зеро, энг яхши намуна ва модель, бу — ёшлар кучи!

оммавий кўчиб кетишига сабаб бўлади.

Марказий Осиёда ҳар бир кишига йилга ўртача 6 минг кубометр сув тўғри келади. Бу ҳали 1-1,5 минг куб метр бўлган баъзи Африка мамлакатларидаги каби ҳалокатли эмас. Бундан ташқари, Ўзбекистон сувдан фойдаланишнинг ярмини, Туркманистон эса ҳатто тўртдан уч қисмини хориждан олади. Минтақанинг барча халқларида "Сув тугаса, ер тугайди", деган мақол бежиз ай-тилмаган. Сув фаровонлик ва тинчлик учун ҳам муҳим ресурсдир. Сув хавфсизлиги ва тенгликни ўрнатиш ҳамда қўллаб-қувватлаш глобал фаровонлик ва тинчликка асос бўлади. Бу муносабатлар тескари йўналишда ҳам ишлаши мумкин: қашшоқлик ва тенгсизлик, ижтимоий кескинлик ва мождаролар бўлиб хавфсизликнинг йўқлигини янада кучайтира-ши мумкин. Сувни барқарор бошқариш фаровонлик ва тинчлик ўртасидаги мураккаб ва узвий боғлиқликларга қаратилган.

Сув барқарорлиги мана шундай исбот талаб қилмайдиган долзарб масалага айланган ҳозирги вазиятда барқарор сув ҳаракати парадигмасини ўзгартиришга қарата ўткази-лаётган минтақавий конференция кўп томон-лама мулоқот асосида ижобий натижаларга эришиш, умумий тараққиёт учун шарт-шароитлар яратиш бўйича амалий ечимлар ишлаб чиқишда айни мўддаодир. Пировар-дида Марказий Осиёни фаровон, гуллаб-яш-наган минтақага айлантиришдек эзгу мақ-садлар ўз аксини топганлиги билан аҳамиятли. Зеро, конференцияда Европа Иттифоқига аъзо давлатлар элчилари, Бир-лашган Миллатлар Ташкилоти ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакиллари, шу-нингдек, ЕХТнинг Марказий Осиё ва Ўзбе-кистондаги вакиллари ҳам иштирок этади.

Пойтахтимизда режалаштирилган мазкур анжуманда Европа Иттифоқи ва Марказий Осиёдан сув масалалари бўйича бир қатор мутахассисларнинг нутқ сўзлашлари ва ин-соният олдига турган долзарб муаммолар ечимига бағишланган таҳлил ва тавсиялар билан чиқиш қилишлари ўрин олганилиги, аҳамиятлидир.

Тарихий конференцияда Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг соҳа мутасаддилари ишти-рок этаётгани минтақавий шерикликдаги иш-ларни амалга оширишга катта суръат ба-ғишлайди. Сув ресурслари билан боғлиқ танқисликлар, ер деградацияси, биохилма-хилликнинг камайиши ва бошқа жиддий иқлим ўзгаришлари оқибатларини юмшатиш, енгиб ўтиш ва минтақада ижтимоий-иқтисо-дий вазиятни яхшилаш, мамлакатлар ман-фаатларини ҳисобга олган сув ва экология билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун сай-й-ҳаракатларни бирлаштиришда муҳим омил бўлади. Марказий Осиёнинг ёш етак-чилари учун сув билан боғлиқ муаммолар бўйича ўз нуктаи назарларини билдириш учун платформа бўлиб хизмат қилади ва қўллаб соҳаларда ҳамкорлик ва фикр алмашишга ёрдам беради.

Конференция бир нечта интерфаол се-минарларни ўз ичига олади, улар давомида иштирокчилар сувдан фойдаланиш самара-дорлиги, тежамкорлик ва сув дипломатияси каби ўзаро манфаатли мавзуларни муҳока-ма қилади. Обиҳаёт барқарорлигига эришиш, ҳудудларда инновацион ечимлар қўллашни кенгайтириш, "яшил" иқтисодиётни ривож-лантириш, илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш ва бошқа масалаларда муҳим та-қлифлар илгари сурилади. Марказий Осиё-нинг сув соҳасидаги ҳаётини муҳим масала-ларга ва муаммоларига халқаро ҳамжамият эътиборини қаратиши эришилади. Глобал иқлим ўзгаришлари оқибатида вужудга ке-лаётган янги хавф ва таҳдидлар шароитида бундай минтақавий ҳамкорликнинг аҳамияти катта.

Шунингдек, сув ва бошқа табиий ресурс-лардан тежаб-тергаб фойдаланиш мадания-тини шакллантириш, ёшлар билан ишлашни минтақавий даражада ташкил этиш келгуси-да экотизимлар таназзули янада кучайиши-нинг олдини олиш, сув ислохотлари асоси-ни мустаҳкамлашда бирдамлик таъминлана-ди. Зотан, ўзаро ҳамжиҳатлик БМТ Барқа-рор ривожланиш мақсадларига эришишининг ягона йўлидир.

Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ,
Халқаро Нордик университети ректори, профессор.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 12 818 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Ғўсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

Газетани ҳақиқати маълумотларини оқиб олган учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

155N 6030-678A

47720330 478004

Таҳририятга келган қўлаёзмалар тақриб қилинмайди ва мўаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.

Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15

Топширилди — 00.10

1 2 3 4 5 6